

«Шахрихон Авто Равон» АЖ  
Кузатув кенгашига

Узбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йил кундаги № ПФ-4720 сон билан «Акциядорлик жамиятларда замонавий Корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора тадбирлари тугрисидаги» Фармони қабул қилинган. Юқоридаги қабул қилинган Фармонида акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий Корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириши тугрисида тафсиялар берилган. Ушбу Фармонига асосан «Шахрихон Авто Равон» акциядорлик жамияти 2016 йил 28 июнь куни 2015 йил якунлари бўйича утказилган умумий йиғилишида жамиятга Корпоратив бошқарув Кодексини жорий этиш тугрисидаги масалани куриб чиқилган. Йиғилиш қарорига кура жамиятга Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилиш бўйича уч кишидан иборат комиссия тузиш ҳамда ушбу масалани 2017 йилдаги умумий йиғилишида қайта куриб чиқиш тугрисида қарор қабул қилинган. Юқорида тузилган комиссияси томонидан жамиятга нисбатан Корпоратив кодексини жорий қилиш тугрисида масалани урганиб чиқилган. Урганиш натижасида жамият устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлмаганлигини, Узбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2015 йил кундаги № ПФ- 2454 сонли Фармонига асосан жамиятнинг устав капиталига 2016 йил май ойидан бошлаб Буюкбритания давлатининг «VITCOM TEXTILES LTD» компанияси томонидан 30% улуши билан акциядор сифатида фаолият олиб бораётганлигини, бундан ташқари жамият фаолиятида фақат бир хил йуналишда дилерлик иш олиб боришлигини айтиб утган. Юқорида келтирилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда комиссия томонидан жамиятга Корпоратив бошқаруви кодексини жорий қилиш жоиз эмаслиги тугрисида хулоса берилганлигини маълум қиламиз.

«Шахрихон Авто Равон» акциядорлик

жамияти Корпоратив бошқарув

комиссия раиси:

Содиқов Д.Р.

Аъзолари:

Ганиев М.М.

Мирзалиев К.Д.

05.06.2017 й.